

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.12. 2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ

ДАВЛАТОВ НОДИРЖОН ХАЙРУЛЛАЕВИЧ

**КУЛЖУКТОВ ТОҒЛАРИНИНГ ДЕВОН КОНОДОНТАЛАРИ ВА
БИОСТРАТИГРАФИЯСИ (ЎЗБЕКИСТОН)**

04.00.05 – Палеонтология ва стратиграфия

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по геолого-минералогическим наукам**

Content of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Давлатов Нодиржон Хайруллаевич

Кулжуктов тоғларининг девон конодонталари ва биостратиграфияси.
(Ўзбекистон)

3

Давлатов Нодиржон Хайруллаевич

Биостратиграфия и конодонты девона гор Кульджуктау (Ўзбекистан)

21

Davlatov Nodirjon Khayrullayevich

Biostratigraphy and conodonts of the Devonian of the Kuldzhuktau mountains
(Uzbekistan)

39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

42

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ

ДАВЛАТОВ НОДИРЖОН ХАЙРУЛЛАЕВИЧ

**КУЛЖУКТОВ ТОҒЛАРИНИНГ ДЕВОН КОНОДОНТАЛАРИ ВА
БИОСТРАТИГРАФИЯСИ (ЎЗБЕКИСТОН)**

04.00.05 – Палеонтология ва стратиграфия

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/GM46 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Минерал ресурслар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ing.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Абдуазимова Зоя Муссаевна
геология-минералогия фанлари доктори

Расмий оппонентлар: Хусанов Султонбой Тухтаевич
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Изох Надежда Георгиевна
геология-минералогия фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: Мирзо Улугбек номидаги Миллий университети

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда кидируви институти ҳузуридаги DSc.24/30.12. 2019.GM.41.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» декабр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114-уй. Тел.: (998) 71253-09-78, факс: (998) 71250-92-15; e-mail: igirnigm@ing.uz.

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда кидируви институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4214 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114-уй. Тел.: (998) 71253-09-78, факс: (998) 71250-92-15; e-mail: igirnigm@ing.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «16» декабр куни тарқатилди.
(2021 йил «26» ноябрдаги 1-рақамли реестр баённомаси)



Ю.И. Иргашев
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д., профессор

М.Г. Юлдашева
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.н.

Т.Х. Шоймуротов
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, г.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда геологик хизматлар олдида кўйилган асосий вазифа – геологик-қидирув ишларининг тезлиги ва самарадорлигини ошириш, замонавий геологик ва башорат хариталарини тузишда сўнгги ютуқлардан фойдаланиш, ер қаърини геологик ўрганиш усуллариини такомиллаштириш ва мамлакатнинг минерал ресурсларини орттиришдан иборатдир. Шу нуқтаи назардан биостратиграфик тадқиқотлар башоратлаш ва қидирув ишларининг ишончлилигини таъминлашда назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Дунёда ҳозирги кунда олиб борилаётган биостратиграфик тадқиқотларда палеозой эраси, девон даври ётқизиқларини ажратиш ва корреляция қилиш учун ортостратиграфик органик қолдиқлар гуруҳларидан бўлган – конодонталардан фойдаланилмоқда. Дунёнинг кўплаб геологик кесмаларида аниқланган ва кузатилаган конодонталар мажмуаларининг стратиграфик кетмакетлиги асосида Халқаро зонал конодонталарнинг стандарт шкаласи (*Becker va бошқалар*, 2012) ишлаб чиқилган, улар билан барча минтақавий шкалалар, бу эса ажратилган ва хариталанаётган маҳаллий бўлинмалар (свиталар, кенжа свиталар ва бошқалар) ёши чегараларини аниқ ўрнатиш ва уларнинг фанерозой кесимидаги стратиграфик ўрнини аниқлаш имконини берди.

Республикамизда палеозой ётқизиқларининг ёшини ишончли аниқлаш ва маъдан конларини излаш каби геологик омиллар ва мезонларга алоҳида эътибор берилиб, уларда ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир ҳудуднинг табиий, минерал-хомашё, ... салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш» бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, Кулжуктов тоғлари палеозой ётқизиқларининг ёшини аниқлаш ҳамда геологик структуралар ва жараёнларнинг шаклланиш механизмини ўрганишга қаратилган, фойдали компонентларнинг концентрациясига олиб келадиган биостратиграфик тадқиқотлар янги фойдали қазилма конларини излаш учун катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4401-сон “Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белги-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» Фармони

ланган вазифаларини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга боғлиқлиги: Мазкур тадқиқот Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VIII “Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал-хом ашёларни қайта ишлаш)” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нашр этилган ва фонд материалларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, Кулжуктов палеозой стратиграфияси муаммоларини ҳал қилишга қаратилган тадқиқотлар илгари асосан ушбу регионда бажарилган геологик-сўёмка ишлари доирасида амалга оширилган (А.Я. Айсанов, А.И. Егоров ва бошқ. 1978, 1984 ф). Стратиграфик бўлиниш бентос фаунаси (кораллар, строматопораталар, брахиоподалар ва криноидеялар) бўйича амалга оширилган. Қайд қилинган тадқиқотчилар томонидан ҳозирги вақтгача фойдаланаётган Кулжуктов тоғи стратиграфик схемаси қайта ишлаб чиқилди. Лекин, 2014-2018 йилларда “Регионалгеология” ДУК стратиграфия партияси тадқиқотчилари А. И. Ким, И.А. Ким, Ф.А. Салимова, М.В. Ерина, Ф.С. Каримова ва Н.Х. Давлатовлар томонидан олиб борилган биостратиграфик тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, 40 йил аввал яратилган стратиграфик тузилмалар мазмун жиҳатидан анча эскирган бўлиб, уни янгилаш зарур, айниқса хариталанаётган бўлимларнинг ёши ва литологик ҳажмларини ва уларнинг ўзаро муносабатининг бир қисмини сезиларли янгилаш керак.

Бундан ташқари, Халқаро стратиграфик шкалада девон системасининг қуйи ва юқори чегараларини ўтказишда ўзгаришлар юз берган бўлиб, бўлинган маҳаллий стратиграфик бўлимлар у билан стратиграфик ҳолатини аниқлаш учун боғланади. Шу муносабат билан геологик-сўёмка ва излаш ишларини ўтказиш учун ўрганилаётган регионнинг геологик тузилиши ҳақидаги замонавий тасаввурларни акс эттирадиган, янгиланган стратиграфик асосни яратиш зарур бўлди. “Регионалгеология” Давлат унитар корхонаси диссертантнинг фаол иштирокида девон стратиграфиясининг актуал схемасини яратдилар ва бундан олдин эса – Кулжуктов тоғлари учун ордовик ва силур даври схемаларини туздилар, бунда ажратилган стратиграфик бўлинмалар литологик-генетик ва палеонтологик асосланган мажмуани ҳосил қилди. Биозонал бўлинмалар органик қолдиқларнинг турли гуруҳлари бўйича ўзаро боғланиб конодонга бўйича зонал стандарт билан корреляция қилинди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Минерал ресурслар институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 11-193/9 «Томдитов ва Аристантов тоғлари (Марказий Қизилқум) қуйи ва ўрта девон ётқизикларини табақалаш ва корреляция қилиш ва янгиланган Халқаро стратиграфик шкала билан солиштириш» (2015), 14-36/6/1 «Кулжуктов тоғи ордовик ва қуйи силур ётқизикларини биостратиграфик ўрганиш ва Халқаро шкала билан корреляция қилиш» (2017), 15-178/6/4 «Кулжуктов тоғи юқори силур ва девон ётқизикларини

табақалаш ва корреляция қилиш ва янгиланган Халқаро стратиграфик шкала билан солиштириш» (2018), 17-96/15 «Сангрунтов тоғи (Марказий Қизилқум) девон ётқизикларини табақалаш ва корреляция қилиш ва янгиланган Халқаро стратиграфик шкала билан солиштириш» (2020), мавзусидаги илмий ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади геологик-съемка, қидирув ишлари ва башорат-металлогеник тузилмалар учун илмий асос сифатида Кулжуктов тоғлари девон системаси карбонат ва кремний-карбонат ётқизикларини табақалаш ва корреляция қилишнинг биостратиграфик асосланган схемасини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кесмалар тузилишини ойдинлаштириш, жинслар ёшини аниқлаш мақсадида фауналар мажмуи таркибини ва танланган стратонлар муносабатларини тавсифлаш, бузилган кесимларда стратиграфик кетма-кетликни тиклаш, турли фацияли қатламларни ажратиш ва корреляция қилиш учун девон ётқизиклари кесимини ва фауналар мажмуаларини ўрганиш;

ажратилган маҳаллий стратиграфик бўлинмалар кесимларидан конодонта ва бентос фауналарининг (строматопоратлар, табуляталар, кораллар-ругозалар ва брахиоподалар) стратиграфик ва фациал бўлинмаларга тўғри келишини ўрганиш;

регионал конодонта биозоналарини ва уларнинг Халқаро шкаладаги конодонта стандарти билан боғлиқлигини ўрнатиш;

биостратиграфик тузилмалар учун энг муҳим конодонта турларини ўрганиш ва монографик тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Кулжуктов тоғи девон системасининг карбонат ва кремний-карбонат ётқизиклари олинган.

Тадқиқотнинг предмети девон ётқизикларини корреляция қилиш ва биостратиграфик табақалаш учун етакчи микрофауна гуруҳларидан бири - конодонталар ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Кесимларни ўрганиш, уларни табақалаш ва корреляция қилишни амалга оширишнинг энг самарали усули стратиграфиянинг қуйидаги методлари мажмуасини қўллашдан иборат: палеонтологик, литологик, экологик методлардан, шунингдек стратонларни ажратишда генетик нуқтаи назардан фойдаланилган. Палеонтологик объектларнинг таксономик турини ва ёшини аниқлаш учун бошқа регионларнинг бир хил ёшдаги кесимларидан қазилма биота қолдиқларининг стратиграфик тарқалиши ва морфологик хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар жалб қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор регионнинг геологик тузилиши ҳақидаги янги тушунчалар асосида конодонталарнинг девон даври свиталари кесимларининг блок-бурмали ва тангачасимон-бурмали тузилиши ҳамда уларни табақалашни дешифровка қилишдаги муҳим роли аниқланган;

тектоник ҳаракатлар натижасида бузилган кесимларда топилган конодонталар бўйича илк бор девон ётқизикларини табақалашнинг ва турли фацияли бир хил ёшдаги свиталарни корреляция қилишнинг юқори даражада

аниқлигини ва стратиграфик кетма-кетлиги ишончилигини таъминлаши исботланган;

Кулжуктов тоғи девон ётқизикларининг муҳим стратиграфик схемаси ишлаб чиқилди, унда стратиграфик кетма-кетликда тикланган маҳаллий стратиграфик бирликлар кесимлари Регионал ва Халқаро шкала конодонта стандартининг биозонаси билан боғлиқлиги аниқланган;

Кулжуктов тоғи девон ётқизикларидаги конодонталарнинг 28 тури биринчи марта монографик тарзда таърифланиб, уларнинг 11 авлодга тегишлилиги, ҳамда жинслар ёши ва таксономик мансублиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Кулжуктовда дислокацияланган девон ҳосилаларининг тузилмалари стратиграфик вазибаларини бажариш учун (табақалаш ва корреляция қилиш) конодонталардан фойдаланишнинг самарадорлиги асосланиб, бу гуруҳдан кесимдаги жинсларнинг ёшини ёки тузилишини белгилашда ва бошқа бурмаланган регионларда улардан стратиграфик схемаларни тузишда муваффақиятли фойдаланилиш мумкинлиги аниқланган;

батафсил биостратиграфик тадқиқотлар орқали илгари белгиланган девон свиталари мураккаб тузилишга эга бўлиб, унда айрим қисмларни такрорланиши, кўринмай қолиши, стратиграфик кетма-кетликнинг бузилиши аниқланди, уларда шиддатли бузилган контакт олди зоналари ривожланишини ўзаро тектоник муносабатлари, рудали фойдали қазилмалар локализацияси учун истиқболли бўлиши асосланган;

кесимларнинг мураккаб тузилишини келтирилган далиллари ўрганилган регионда фойдали қазилма конларини қидиришни башорат қилишни янги стратегиясини ишлаб чиқиш имкониятлари белгиланган;

девон ётқизиклари стратиграфиясининг яратилган актуал схемаси хариталанадиган бўлинмаларнинг (свиталар, сериялар ва бошқалар) белгиланган ёши ва литологик ҳажмлари легенда ва геологик хариталарни 1:50 000 ва 1:100 000 масштабда тузиш учун асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги литологик-стратиграфик кесимлар - 3000 м, палеонтологик нуқталар - 60 та ва муфассал геологик қузатувлар - 30 та, йиғилган қазилма органик қолдиқлар ва кейинчалик ўрганиладиган, 213 та конодонталар топилган жойлардан олинган 84 турдаги девон конодонталарини стратиграфик ва географик тарқалиши таҳлилини ўрганиш ва батафсил тавсифлаш, 28 турдаги конодонталарни монографик тавсифлаш билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Кулжуктов тоғи девон ётқизиклари стратиграфиясининг янгиланган, батафсил, палеонтологик асосланган схемасини яратишда, ўрганилаётган регионда йирик ва ўрта масштабда геологик-съемка ва башоратлаш-қидирув ишлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилади. Схемани яратишда девон ётқизиклари кесимини ўрганиш ва улардан топилган конодонталар - регионда илгари номаълум бўлган нектон организм қазилма қолдиқлар гуруҳларини, стратиграфик ва географик тарқалишини қузатиш, кетма-кетлигини аниқлаш мақсадида Халқаро страти-

график шкаланинг (ХСШ) биозонал конодонта стандарти билан аниқланган мажмуаларини солиштириш, шунингдек, Кулжуктовдаги девон ётқизикларининг стратиграфияси учун энг муҳим 28 турларининг монографик тавсифи натижалари берилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, батафсил биостратиграфик тадқиқотлар билан девон свитаси кесимларини жадал суратда дислокацияга учраганлиги ва блок-бурмали, тангасимон-бурмали тузилишга эга эканлиги, кўпинча турли ёшдаги ётқизиклар фрагментларидан таркиб топганлиги биринчи марта исботланди. Свиталар асосан турли хил масштабдаги бузилиш зоналари билан ифодаланган тектоник муносабатларга эга бўлиб, улар рудали фойдали қазилмаларни аниқлашга истиқболли бўлиши мумкин. Бу маълумотлар Кулжуктовнинг геологик тузилишини янгича талқин қилиш, минтақада фойдали қазилмалар қидиришнинг янги стратегиясини шакллантириш имконини берди. Илгари ажратилган свиталарнинг аниқланган ўзаро муносабатлари, ёши ва литологик ҳажмлари янги геологик хариталар тузиш учун муҳим ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кулжуктов тоғи девон конодонталари ва биостратиграфияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

девон ётқизиклари стратиграфиясининг янги биостратиграфик маълумотлари асосида ишлаб чиқилган схемаси “Қизилқумгеология” АЖДа амалиётга жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2021 йил 14 апрелдаги 05-24-сон маълумотномаси). Натижада, Кулжуктов тоғи регионида девон давридаги седиментацион ҳавзанинг геологик ривожланиш хусусиятларини аниқлаш имконини берган;

девон ётқизикларини бузилган, интенсив дислокацияланган кесимларининг тузилиш модели “Қизилқумгеология” АЖДа амалиётга жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2021 йил 14 апрелдаги 05-24-сон маълумотномаси). Натижада, Кулжуктов тоғларида тектониканинг блок ва қоплама-бурмали табиатини ўрнатиш имконини берган;

мураккаб хариталанган девон ётқи-зиқлари ва уларнинг маҳаллий бирликларининг стратиграфик ва структура-вий ҳолатининг қайта тикланган модели “Қизилқумгеология” АЖДа амалиётга жорий қилинган (Давлат геология қўмитасининг 2021 йил 14 апрелдаги 05-24-сон маълумотномаси). Натижада, фойдали компонентлар концентрациясининг энг истиқболли даражасини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотларнинг асосий натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган. Шулардан: 6 та илмий журналлардаги мақолалар, 5 та тезис, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 121 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНING АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кулжуктов тоғи палеозой ётқизиклари стратиграфиясининг ўрганилганлик даражаси”** деб номланган биринчи бобда палеозой ётқизикларининг геологик тузилиши ва стратиграфияси ҳақидаги маълумотлар аввалги тадқиқотчиларнинг 1929-йилдан, 2020-йилгача қилинган геологик-съемка ва тематик ҳисоботлари асосида келтирилган. Ишнинг ҳар бир босқичи учун олинган тадқиқот натижаларига баҳо берилиб, уларнинг региондаги кейинги геологик ва излаш ишлари учун аҳамияти аниқланди. Палеозой ва мезо-кайнозой ётқизикларининг корреляцияси, табақаланиши ҳамда стратиграфиясига оид маълумотларни келтиришда асосий эътибор Я.Б. Айсанов, А.И. Егоров, Р.И. Мансуров, А.И. Эскин, И.А. Ким, М.В. Ерина, Ф.А. Салимова, Ф.С. Каримоваларнинг ишларига қаратилди. Кулжуктов тоғлари ва ёндош майдонлар учун ўрганилаётган регион девон даври стратиграфик схемаларини яратиш учун асос бўлди. Кулжуктов тоғларида биринчи марта топилган ва ўрганилган конодонлар бу ердаги девон ётқизикларини батафсил табақалашга ва корреляция қилиш имконини берди, бу каби фауналар гуруҳлари дунёнинг бошқа регионлари учун ҳам қисқача маълумот беради.

“Девон ётқизикларининг стратиграфиясини янги палеонтологик маълумотлар асосида таърифлаш” деб номланган иккинчи бобда диссертант томонидан Кулжуктов тоғлари учун янги ҳисобланган конодонта қолдиқлари гуруҳларини аниқлаш ва ўрганишда биостратиграфик тадқиқот усуллари қўлланилди, бу усуллар кондонталарни батафсил табақалашга, маҳаллий ва минтақавий корреляцияга ҳамда Халқаро биозонал бўлинишлар стандартларига таққослашга имконият яратди.


Девон ётқизикларининг географик жойлашуви, уларнинг таркиби, қуйидаги ва юқоридаги ётқизиклар билан ўзаро муносабати, палеонтологик хусусиятлари, жинсларнинг асосланган ёши, пайдо бўлиши, седиментация жараёнидан кейинги ўзгаришлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Далилий маълумотда маҳаллий стратиграфик бирликлар – свиталарнинг мураккаб блок-бурмали-тангачасимон тузилган кесмалари, уларнинг бурмаланган ва узилган ва тектоник бузилишлари кўрсатилган. Мураккаб дислокацияланган кесмаларни реконструкция қилиш чизмалар ва фотосуратларда график

конструкциялар орқали намоён бўлиб, стратонлар тавсифи билан бирга олиб борилади. Кесимларда муҳим рол ўйнаган конодонталар мажмуаси зонал конодонталар стандарт шкаласи билан қиёсланиб, стратиграфик кетма-кетлиги аниқланади ва ҳар бир ажратилган birlikларнинг батафсил литологик ва палеонтологик тавсифи билан қайта тикланган стратиграфик кетма-кетлик стратиграфик устунда кўрсатилди. Олинган натижалар Халқаро стратиграфик шкала ХСШ – 2016 (2-расм) ярус ва зонал birlikлари билан қиёсланган маҳаллий стратонлар (свиталар) Кулжуктов девон ётқизикларининг янгиланган стратиграфик схемасини яратиш имконини берди.

Диссертант ишини тайёрлаш жараёнида Кулжуктов тоғларидаги силур, девон ва тошқўмир ётқизикларининг конодонталарини ўрганди. Ушбу тадқиқотлар натижалари ўрганилаётган регионнинг геологик тузилиши ва стратиграфияси ҳақидаги мавжуд тушунчаларга сезиларли тузатишлар киритиш имконини берди. Кулжуктовда девон ётқизиклари кенг тарқалган.

Кулжуктов тоғи замонавий нуқтаи назарда (Р.Х.Миркамалов ва б. 2021) мезозойгача шаклланган ётқизиклар фундаментининг кўтарилма ҳосил қилиши билан ифодалади, унинг тузилишида ордовик, силур, девон, тошқўмирнинг карбонат-вулканоген-терринли ($O_3-S_1^1$), карбонатли ($S_1^2-C_2$), кремний-карбонатли ($S_1^2-D_3$) ётқизиклари ва миксит ҳосилалари (C_{2-3}) иштирок этади.

Бу ётқизиклар кенглик бўйича чизиқли равишда иккита тектоник пластинкага бирлаштирилган бўлиб, уларнинг ҳосил бўлиши ер пўстидаги ушбу майдон геодинамик шаклланишининг коллизион-аккреция босқичида содир бўлган. Кулжуктовда девон ётқизиклари кенг тарқалишга эга.



1-расм. Кулжуктов тоғининг тавсифий геологик харитаси. (Я.Б.Айсанов ва б. 1984 ф. муаллифнинг свиталар ёшларини изоҳлаш бўйича геологик асоси, 2014-2018 йй.).

Улар Белтов тоғида, Жангелди қишлоғи региониди, Тозбулоқ интрузиясининг ғарбий, шарқий ва шимолий қисмларида, Учқудук, Шайдараз,

Султанбиби, Арапказган, Изақудук, Башгужумдида очилмалар ҳосил қилган, Гужумди тоғида ва Тузкой, Қинғиртов тепаликларида кенглик ва субкенглик йўналишида унча катта бўлмаган алоҳида узунчоқ шаклда рељефда чиқиб ётади (1-расм). Девон ётқизиқларининг барчаси юқори силур ва ўрта карбон жинслари билан тектоник контакт ҳосил қилади.

Улар литологик-фациал жиҳатдан карбонатли платформаларнинг саёз сувли чўкиндилари (туркментов, шайдараз, белтов свиталари), карбонатли платформаларнинг букилган жойларидаги ётқизиқлар (туркминказган қавтиконседиментацион карбонатли брекча) ва нисбатан чучук сувли очик денгиз ҳавзасининг шельф зонаси (кремний-карбонатли жинслардан иборат султанбиби ва арапказган свиталари) жинсларидан ташкил топган. Барча свиталар унча кўп бўлмаган фауналар маржон полип чиғаноқлари ва конодонталар билан характерланган, шу туфайли фауна қолдиқлари орқали аниқлашга, бу қаторида уларнинг ёш ва фациал шароити аниқлаштириш, табақалаш ва корреляция қилиш ҳамда долзарб стратиграфик схемасини яратишга эришилди (2-расм).


Туркментов свитаси - D₁-p tr. Бу свита ётқизиқлари Кулжуктов тоғининг ғарбида, Белтов тоғининг жанубий ён бағрида, Тузкой тепалигининг жанубий этагида, Жангелди қишлоғининг ғарбида ва шарқида чўзинчоқсимон шаклларда, Тозбулоқ гранитоид интрузивининг ғарбида, Кулжуктов тоғининг шарқида, жануби-шарқий Башгужумдида очилмалар ҳосил қилади. Свита остки қисмидаги юқори силур ётқизиқлари билан тектоник контакт ҳосил қилган ва қоплаб ётувчи қуйи-ўрта девон султанбиби свитаси ётқизиқлари билан эса мувофиқ стратиграфик контакт юзага келтирган. Кесмаси умумий қалинлиги 430 м бўлган оҳақтошлардан таркиб топган. Уларнинг орасида органик қолдиқлардан табулятлар: *Favosites* ex gr. *socialis* Sokolov, *Favosites preplacenta* Dubatolov, *Pachyfavosites cylindricus* Yanet, *Pachyfavosites* ex gr. *kozlovskii* Sokolov, *Striatopora tenuimuralis* Mironova, қуйи девон лохков – прага учун хусусиятли брахиоподалар - *Sieberella* aff. *sieberi* (Buch), *Punctatrypa* cf. *perpolita* (Khodalevich), *Plesicarinata* cf. *submala* (Khodalevich) прага-эмс оралиғида тарқалган конодонталар - *Belodina* sp., *Icriodus* sp., *Paltodus* sp., *Eognathodus sulcatus*, шаклига кўра прага ярусига хос. Юқорида келтирилган органик қолдиқлар мажмуалари қуйи девон прага ва лохков яруси туркментов свитаси ёшини кўриб чиқишга имкон беради.

Султанбиби свитаси - D₁₋₂sl. Султанбиби свитаси Белтов тоғининг ғарбий четида, Жангелди қишлоғининг ғарбий ва шарқий қисмида, Учқудук, Оқтош, Султанбиби, Изақудук майдонларидаги Тозбулоқ интрузивининг ғарбида, Арапказган сойи ҳавзасида, Гужумди тоғининг жанубий-шарқий ва шарқий қисмларида очилмалар ҳосил қилиб ётади. Свита ётқизиқлари Тозбулоқ интрузивининг ғарбий қисмида остки қисмидаги туркментов свитаси жинслари билан мувофиқ стратиграфик контакт ҳосил қилган. Юқори контакти аниқ эмас.

ХСШ 2016		Becker et al., 2012; in Ogg, Ogg, Gradstein, 2016	Узбекистоннинг суб-регионал стратиграфик шкаласи, 2007		Кульдруктов тоғи девон ётқизикларини ажратиш ва корреляция қилиш										
система	булим	ярус	устки горизонт	катлам	Биостратиграфик зоналар										
			горионт	катлам	Конодонтлар Ерина, 2008										
СИСТЕМА	ЮКОРИ	фамен	заррашан	бауль	П И С Т А М А З А Р	C _{2ts1}	C _{2ts1}	C _{2ts1}							
									<i>Siphonodella praesulcata</i>	<i>Siphonodella praesulcata</i>	Кремний-кварц-ли жинслар кулранг, оҳ-шлар донали, кулранг ва алевролит-лар: конодонтлар- <i>Palmatolepis</i> cf. <i>glabra</i> , <i>Pa. disorta</i> , <i>Polygnathus tenuis</i> , <i>Scaphignathus subseratus</i> , <i>Pseudopolygnathus marburgensis</i> ~32м.	Шайдараз свитаси	Туркменказган толши. Оҳ-шлар доғли-лар: йўл-йўл, кон-сидиментацион брекча гори-зонтлари билан, массив: коно-донтлар- <i>Pal-subseratus</i> , <i>matolepis</i> cf. <i>glabra</i> , <i>Pa. pri-minuta</i> , <i>Pa. m.loba</i> , <i>Pa. cf. quadrantinodosa</i> , <i>Polygnathus cf. valentinae</i> . ~700м		
									<i>Palmatolepis gracilis expansa</i>	<i>Palmatolepis expansa</i>					
									<i>Pa.perlobata postera</i>	<i>Pa.postera</i>					
									<i>Pa.rugosa trachytera</i>	<i>Pa.trachytera</i>					
		<i>Pa.marg.marginifera</i>	<i>Pa.marginifera</i>												
		Е	бауль	П И С Т А М А З А Р	иғаролдин	соғдий	Ш И Р Д А Г	C _{2ts1}	C _{2ts1}	C _{2ts1}					
											<i>Pa.rhomboidea</i>	<i>Pa.rhomboidea</i>	Кремний-кварц-ли жинслар, оҳактошлинзава-катламлари билан: конодон-талар- <i>Polygnathus alatus</i> , <i>Palmatolepis hassi</i> , <i>Pa.g. semi-gigas</i> , <i>Pa.g. semi-chatovae</i> , <i>Pa.plana</i> , <i>Pa.transitans</i> , <i>Pa.punctata</i> , <i>Mesotaxis asymmetricus</i> , <i>M.falsiovalis</i> ~58м	Юқори қисм. Оҳактошлар кремнийли жинсларнинг яшмасимон, зангсимон-тошлар майда донали, конгир, кулранг қатлам ва конодонтлар: <i>Tortodus trispinatus</i> , брахиоподалар- <i>Ivdelinia Polygnathus serotinus</i> , <i>P. aff. eifilii</i> , <i>P. aff. costatus</i> , <i>P. aff. limitaris</i> , <i>P. pennatus</i> , <i>P. pugilatus</i> , <i>Neopanderodus unculus</i> , <i>P. linguiformis</i> , <i>P. evidens</i> . 140м.	Бельтов свита. Оҳактошлар йиғинди-мик-ритовий, кул-ранг, брекча-симон массив: конодон-талар- <i>Pal.punctata</i> , <i>Pa. hassi</i> . ~200м
											<i>Palmatolepis crepida</i>	<i>Palmatolepis crepida</i>			
											<i>Pa.triangularis</i>	<i>Pa.triangularis</i>			
	<i>Palmatolepis linguiformis</i>										<i>Palmatolepis linguiformis</i>				
	<i>Palmatolepis rhenana</i>	<i>Palmatolepis rhenana</i>													
	ДЕВОН	ЎРТА	живет	хамидуль	соғдий	Ш И Р Д А Г	C _{2ts1}	C _{2ts1}	C _{2ts1}						
										<i>Palmatolepis jamieae</i>	<i>Pa.jamieae</i>	Кремнийлар яшма-кремнийли жинсларнинг конгир, кулранг қатлам ва конодонтлар: <i>Tortodus trispinatus</i> , брахиоподалар- <i>Ivdelinia Polygnathus serotinus</i> , <i>P. aff. eifilii</i> , <i>P. aff. costatus</i> , <i>P. aff. limitaris</i> , <i>P. pennatus</i> , <i>P. pugilatus</i> , <i>Neopanderodus unculus</i> , <i>P. linguiformis</i> , <i>P. evidens</i> . 140м.	Юқори қисм. Оҳактошлар кремнийли жинсларнинг яшмасимон, зангсимон-тошлар майда донали, конгир, кулранг қатлам ва конодонтлар: <i>Tortodus trispinatus</i> , брахиоподалар- <i>Ivdelinia Polygnathus serotinus</i> , <i>P. aff. eifilii</i> , <i>P. aff. costatus</i> , <i>P. aff. limitaris</i> , <i>P. pennatus</i> , <i>P. pugilatus</i> , <i>Neopanderodus unculus</i> , <i>P. linguiformis</i> , <i>P. evidens</i> . 140м.		
										<i>Palmatolepis hassi</i>	<i>Palmatolepis hassi</i>				
										<i>Palmatolepis punctata</i>	<i>Palmatolepis punctata</i>				
										<i>Palmatolepis transitans</i>	<i>Palmatolepis transitans</i>				
		<i>Ancyr.rotunda rotundiloba</i>	<i>Mesotaxis falsoivalis</i>												
		ЎРТА	эйфель	живет	новихуш	соғдий	Ш И Р Д А Г	C _{2ts1}	C _{2ts1}	C _{2ts1}					
											<i>Ancyr.rotunda pristina</i>	<i>Mesotaxis falsoivalis</i>	Кремнийли жинслар, яшмасимон, юпка-катламли, оч кулранг, оҳактошларнинг яшмасимон, юпка-катламлари билан: конодонтлар- <i>Polygnathus ex.eifilii</i> , <i>P. ex.gronbergi</i> , <i>P. nothoperonus</i> , <i>P. aff. serotinus</i> . 180м.	Куйи қисм. Оҳактошлар криноид-детритли, тўқ кулранг, кремнийли жинслар ва тўқ қизғиш-кўнғир, оҳакли алевро-литларнинг линзасимон билан; куйида оҳактошлар доломитли зангсимон-кўнғир; табуляталар - <i>Favosites</i> aff. <i>regularissimus minor</i> , <i>Fossoporella hamdulica</i> ; брахиопо-ды - <i>Areostrophia</i> sp., <i>Biconostrophia</i> sp., <i>Hysterolites</i> sp.; конодонты- <i>Polygnathus serotinus</i> , <i>P. aff. inversus</i> , <i>P. lat-costatus</i> , <i>P. nothoperonus</i> , <i>P. kitabicus</i> . 300-400 м	
<i>Skeletognathus norrisi</i>											<i>Klapperina disparilis</i>				
<i>Klapperina disparilis</i>											<i>Schmidtho. hermanni</i>				
<i>Schmidtho. hermanni</i>	<i>Polygnathus varcus</i>														
<i>Ozarkodina semialternans</i>	<i>Pol.hemiansatus</i>														
ДЕВОН	ЎРТА	эйфель	новихуш	соғдий	Ш И Р Д А Г	C _{2ts1}	C _{2ts1}	C _{2ts1}							
									<i>Polygnathus ansatus</i>	<i>Polygnathus varcus</i>	Куйи қисм. Оҳактошлар криноид-детритли, тўқ кулранг, кремнийли жинслар ва тўқ қизғиш-кўнғир, оҳакли алевро-литларнинг линзасимон билан; куйида оҳактошлар доломитли зангсимон-кўнғир; табуляталар - <i>Favosites</i> aff. <i>regularissimus minor</i> , <i>Fossoporella hamdulica</i> ; брахиопо-ды - <i>Areostrophia</i> sp., <i>Biconostrophia</i> sp., <i>Hysterolites</i> sp.; конодонты- <i>Polygnathus serotinus</i> , <i>P. aff. inversus</i> , <i>P. lat-costatus</i> , <i>P. nothoperonus</i> , <i>P. kitabicus</i> . 300-400 м	Куйи қисм. Оҳактошлар криноид-детритли, тўқ кулранг, кремнийли жинслар ва тўқ қизғиш-кўнғир, оҳакли алевро-литларнинг линзасимон билан; куйида оҳактошлар доломитли зангсимон-кўнғир; табуляталар - <i>Favosites</i> aff. <i>regularissimus minor</i> , <i>Fossoporella hamdulica</i> ; брахиопо-ды - <i>Areostrophia</i> sp., <i>Biconostrophia</i> sp., <i>Hysterolites</i> sp.; конодонты- <i>Polygnathus serotinus</i> , <i>P. aff. inversus</i> , <i>P. lat-costatus</i> , <i>P. nothoperonus</i> , <i>P. kitabicus</i> . 300-400 м			
									<i>Polygnathus varcus</i>	<i>Pol.hemiansatus</i>					
									<i>Polygn.hemiansatus</i>	<i>Polygn.ensensis</i>					
									<i>Polygnathus ensensis</i>	<i>Tortodus kockelianus</i>					
	<i>Tortodus kockelianus</i>	<i>Polygnathus australis</i>													
	ЎРТА	эйфель	живет	новихуш	соғдий	Ш И Р Д А Г	C _{2ts1}	C _{2ts1}	C _{2ts1}						
										<i>Polygnathus costatus costatus</i>	<i>Polygnathus costatus</i>	Куйи қисм. Оҳактошлар криноид-детритли, тўқ кулранг, кремнийли жинслар ва тўқ қизғиш-кўнғир, оҳакли алевро-литларнинг линзасимон билан; куйида оҳактошлар доломитли зангсимон-кўнғир; табуляталар - <i>Favosites</i> aff. <i>regularissimus minor</i> , <i>Fossoporella hamdulica</i> ; брахиопо-ды - <i>Areostrophia</i> sp., <i>Biconostrophia</i> sp., <i>Hysterolites</i> sp.; конодонты- <i>Polygnathus serotinus</i> , <i>P. aff. inversus</i> , <i>P. lat-costatus</i> , <i>P. nothoperonus</i> , <i>P. kitabicus</i> . 300-400 м	Куйи қисм. Оҳактошлар криноид-детритли, тўқ кулранг, кремнийли жинслар ва тўқ қизғиш-кўнғир, оҳакли алевро-литларнинг линзасимон билан; куйида оҳактошлар доломитли зангсимон-кўнғир; табуляталар - <i>Favosites</i> aff. <i>regularissimus minor</i> , <i>Fossoporella hamdulica</i> ; брахиопо-ды - <i>Areostrophia</i> sp., <i>Biconostrophia</i> sp., <i>Hysterolites</i> sp.; конодонты- <i>Polygnathus serotinus</i> , <i>P. aff. inversus</i> , <i>P. lat-costatus</i> , <i>P. nothoperonus</i> , <i>P. kitabicus</i> . 300-400 м		
										<i>Pol.costatus partitus</i>	<i>Polygn. partitus</i>				
										<i>Pol.costatus patulus</i>	<i>Polygn. patulus</i>				
<i>Polygnathus serotinus</i>										<i>Polygnathus serotinus</i>					
<i>Linguipolygnathus inversus</i>	<i>Linguipolygnathus inversus</i>														
ДЕВОН	ЎРТА	эйфель	новихуш	соғдий	Ш И Р Д А Г	C _{2ts1}	C _{2ts1}	C _{2ts1}							
									<i>Eolinguipolygnathus nothoperbonus</i>	<i>Eolinguipolygnath. nothoperbonus</i>	Куйи қисм. Оҳактошлар криноид-детритли, тўқ кулранг, кремнийли жинслар ва тўқ қизғиш-кўнғир, оҳакли алевро-литларнинг линзасимон билан; куйида оҳактошлар доломитли зангсимон-кўнғир; табуляталар - <i>Favosites</i> aff. <i>regularissimus minor</i> , <i>Fossoporella hamdulica</i> ; брахиопо-ды - <i>Areostrophia</i> sp., <i>Biconostrophia</i> sp., <i>Hysterolites</i> sp.; конодонты- <i>Polygnathus serotinus</i> , <i>P. aff. inversus</i> , <i>P. lat-costatus</i> , <i>P. nothoperonus</i> , <i>P. kitabicus</i> . 300-400 м	Куйи қисм. Оҳактошлар криноид-детритли, тўқ кулранг, кремнийли жинслар ва тўқ қизғиш-кўнғир, оҳакли алевро-литларнинг линзасимон билан; куйида оҳактошлар доломитли зангсимон-кўнғир; табуляталар - <i>Favosites</i> aff. <i>regularissimus minor</i> , <i>Fossoporella hamdulica</i> ; брахиопо-ды - <i>Areostrophia</i> sp., <i>Biconostrophia</i> sp., <i>Hysterolites</i> sp.; конодонты- <i>Polygnathus serotinus</i> , <i>P. aff. inversus</i> , <i>P. lat-costatus</i> , <i>P. nothoperonus</i> , <i>P. kitabicus</i> . 300-400 м			
									<i>Eolinguipolygnathus gfonbergi</i>	<i>Eocostapolygn. excavatus</i>					
									<i>Eocostapolygnathus excavatus</i>	<i>Eocostapolygn. kitabicus</i>					
									<i>Eocostapolygnathus kitabicus</i>	<i>Eocostapolygn. kitabicus</i>					
	<i>Eoectenopolynathus pireneae</i>	<i>Eoectenopolynathus pireneae</i>													
	ЎРТА	эйфель	живет	новихуш	соғдий	Ш И Р Д А Г	C _{2ts1}	C _{2ts1}	C _{2ts1}						
										<i>Eognathodus sulcatus kindlei</i>	<i>Eognathodus kindlei</i>	Куйи қисм. Оҳактошлар криноид-детритли, тўқ кулранг, кремнийли жинслар ва тўқ қизғиш-кўнғир, оҳакли алевро-литларнинг линзасимон билан; куйида оҳактошлар доломитли зангсимон-кўнғир; табуляталар - <i>Favosites</i> aff. <i>regularissimus minor</i> , <i>Fossoporella hamdulica</i> ; брахиопо-ды - <i>Areostrophia</i> sp., <i>Biconostrophia</i> sp., <i>Hysterolites</i> sp.; конодонты- <i>Polygnathus serotinus</i> , <i>P. aff. inversus</i> , <i>P. lat-costatus</i> , <i>P. nothoperonus</i> , <i>P. kitabicus</i> . 300-400 м	Куйи қисм. Оҳактошлар криноид-детритли, тўқ кулранг, кремнийли жинслар ва тўқ қизғиш-кўнғир, оҳакли алевро-литларнинг линзасимон билан; куйида оҳактошлар доломитли зангсимон-кўнғир; табуляталар - <i>Favosites</i> aff. <i>regularissimus minor</i> , <i>Fossoporella hamdulica</i> ; брахиопо-ды - <i>Areostrophia</i> sp., <i>Biconostrophia</i> sp., <i>Hysterolites</i> sp.; конодонты- <i>Polygnathus serotinus</i> , <i>P. aff. inversus</i> , <i>P. lat-costatus</i> , <i>P. nothoperonus</i> , <i>P. kitabicus</i> . 300-400 м		
										<i>Eognath. irregularis</i>	<i>Eognathodus sulcatus</i>				
										<i>Pedavis gilberti</i>	<i>Pedavis pesavis pandora</i>				
<i>Ancyrodelloides transitans</i>										<i>Ancyrodelloides delta</i>					
<i>Ancyrodelloi. trigonicus</i>	<i>Ancerodell. omus</i>														
ДЕВОН	ЎРТА	эйфель	новихуш	соғдий	Ш И Р Д А Г	C _{2ts1}	C _{2ts1}	C _{2ts1}							
									<i>Ancyrodelloi. kutscheri</i>	<i>Oz.remscheidensis</i>	Куйи қисм. Оҳактошлар криноид-детритли, тўқ кулранг, кремнийли жинслар ва тўқ қизғиш-кўнғир, оҳакли алевро-литларнинг линзасимон билан; куйида оҳактошлар доломитли зангсимон-кўнғир; табуляталар - <i>Favosites</i> aff. <i>regularissimus minor</i> , <i>Fossoporella hamdulica</i> ; брахиопо-ды - <i>Areostrophia</i> sp., <i>Biconostrophia</i> sp., <i>Hysterolites</i> sp.; конодонты- <i>Polygnathus serotinus</i> , <i>P. aff. inversus</i> , <i>P. lat-costatus</i> , <i>P. nothoperonus</i> , <i>P. kitabicus</i> . 300-400 м	Куйи қисм. Оҳактошлар криноид-детритли, тўқ кулранг, кремнийли жинслар ва тўқ қизғиш-кўнғир, оҳакли алевро-литларнинг линзасимон билан; куйида оҳактошлар доломитли зангсимон-кўнғир; табуляталар - <i>Favosites</i> aff. <i>regularissimus minor</i> , <i>Fossoporella hamdulica</i> ; брахиопо-ды - <i>Areostrophia</i> sp., <i>Biconostrophia</i> sp., <i>Hysterolites</i> sp.; конодонты- <i>Polygnathus serotinus</i> , <i>P. aff. inversus</i> , <i>P. lat-costatus</i> , <i>P. nothoperonus</i> , <i>P. kitabicus</i> . 300-400 м			
									<i>Lanea eleanora</i>	<i>Caudicr.postwoschmidti</i>					
									<i>Lanea omoalpha</i>	<i>Caudicr. postwoschmidti</i>					
									<i>Caudicr.postwoschmidti</i>	<i>Caudicr. postwoschmidti</i>					
	<i>Caudicr. postwoschmidti</i>	<i>Caudicr. postwoschmidti</i>													
	ЎРТА	эйфель	живет	новихуш	соғдий	Ш И Р Д А Г	C _{2ts1}	C _{2ts1}	C _{2ts1}						
										<i>Delotaxis detorta</i>	<i>Delotaxis detorta</i>	Куйи қисм. Оҳактошлар криноид-детритли, тўқ кулранг, кремнийли жинслар ва тўқ қизғиш-кўнғир, оҳакли алевро-литларнинг линзасимон билан; куйида оҳактошлар доломитли зангсимон-кўнғир; табуляталар - <i>Favosites</i> aff. <i>regularissimus minor</i> , <i>Fossoporella hamdulica</i> ; брахиопо-ды - <i>Areostrophia</i> sp., <i>Biconostrophia</i> sp., <i>Hysterolites</i> sp.; конодонты- <i>Polygnathus serotinus</i> , <i>P. aff. inversus</i> , <i>P. lat-costatus</i> , <i>P. nothoperonus</i> , <i>P. kitabicus</i> . 300-400 м	Куйи қисм. Оҳактошлар криноид-детритли, тўқ кулранг, кремнийли жинслар ва тўқ қизғиш-кўнғир, оҳакли алевро-литларнинг линзасимон билан; куйида оҳактошлар доломитли зангсимон-кўнғир; табуляталар - <i>Favosites</i> aff. <i>regularissimus minor</i> , <i>Fossoporella hamdulica</i> ; брахиопо-ды - <i>Areostrophia</i> sp., <i>Biconostrophia</i> sp., <i>Hysterolites</i> sp.; конодонты- <i>Polygnathus serotinus</i> , <i>P. aff. inversus</i> , <i>P. lat-costatus</i> , <i>P. nothoperonus</i> , <i>P. kitabicus</i> . 300-400 м		

2-расм. Кулжуктов тоғи девон ётқизикларининг стратиграфик схемаси. (Тузувчилар: И.А.Ким, Н.Х.Давлатов, Ф.А.Салимова, 2020 й.).

Султанбиби свитаси кесмаси кўп тармоқли узилмали структуралар ва бурмалардан иборат мураккаб тектоник тузилишга эга (3-расм).



3-расм. Шимоли-ғарбий Учқудук султанбиби свитаси қуйи қисми ётқизикларида бурмали ва узилмали деформациялар. (Фото Давлатова Н.Х., 2018).

